

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШАНБАЕВА ЭНАЖОН ЗАРИПБАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ
(ижтимоий-сиёсий таҳлил)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Нишанбаева Энажон Зарипбаевна

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликни такомиллаштириш механизмлари (ижтимоий-сиёсий таҳлил).....3

Нишанбаева Энажон Зарипбаевна

Механизмы совершенствования социального партнёрства в развитии гражданского общества в Узбекистане.....23

Nishanbaeva Enajon Zaripbaevna

Mechanisms for improving social partnership in the development of civil society in Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НИШАНБАЕВА ЭНАЖОН ЗАРИПБАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ
(ижтимоий-сиёсий таҳлил)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos84 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муминов Алишер Гаффарович сиёсий фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳманов Аъзамжон Режапович юримдик фанлар доктори, профессор Эрназаров Дилмурод Зухридинович сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети, 4-уй. Бош бино, 5-қават. Мажлислар хонаси, 511-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-04

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Мусаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. (DSc)

Б.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва синфлар манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, долзарб иқтисодий, сиёсий вазифаларни ҳал қилиш, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш борасида ижтимоий шериклик алоҳида ўрин тутишини кўрсатмоқда. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро сиёсий маданият асосида ижтимоий шериклик муносабатларининг самарадорлигини таъминлаш бугунги кундаги долзарб муаммоларни ҳал этиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Дунё илмий ҳамжамиятида ижтимоий шериклик жамиятнинг барча соҳаларга тобора чуқурроқ кираётгани, айти пайтда, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашаётгани оқибатида унинг турли жиҳатларини сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, қатламлар, синфлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни, мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал қилишда янги ёндашувларни излаб топиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигига асосланади. Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган талаблар асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий конструктив асосларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш долзарбдир. Бу масала фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим асоси бўлган ижтимоий шериклик муносабатларини тадқиқ қилишга ҳам дахлдор.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни (25.09.2014 й.), Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни (12.04.2018 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли, 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сонли Фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги

«Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2851-сонли қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда мазкур муаммонинг тизимли ва комплекс таҳлили мустақиллик йилларида бошланди. Фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий шериклик тамойиллари, унинг назарий-методологик асослари тизимли равишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида² ўз ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича янги стратегик ғоя ва хулосалар ушбу жараён билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий шериклик XIX асрдан бошлаб Ғарб мамлакатларида жадаллик билан тадқиқ этилиб, сиёсий фан соҳасида шу мавзуга оид қатор илмий концепциялар пайдо бўла бошлади. Ижтимоий шериклик дастлаб ижтимоий ҳодиса сифатида буржуа жамиятида синфий зиддиятлар кучайиши ва саноатлашув жараёнининг ривожланиши оқибатида юзага келган. Дастлаб, ижтимоий шериклик ижтимоий ва меҳнат соҳасида ижтимоий ҳамкорлик концепциясини янада ривожлантириш учун асос бўлган меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик сифатида талқин қилинган.

Хорижий адабиётларда ижтимоий шериклик муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқотларни учратиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда ижтимоий шерикликни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодиса сифатидаги хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан,

¹Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 - 2016.

²Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш– юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз.–Тошкент:Ўзбекистон, 2017. – 488 б.; Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–591б.; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.– Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, –2018. – 508 б.; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – 400 б.

ижтимоий шериклик концепцияси ривожланишида П.Ж.Прудон (муносабатларни уйғунлаштириш концепцияси)³, О.Конт (жамиятда жамоавий шартноманинг ролини ўрганиш)⁴, Э.Дюркгейм (ижтимоий ҳамкорлик назарияси)⁵, М. Вебер (ижтимоий таъсир назарияси)⁶, Т.Парсонс (ижтимоий ҳаракатлар назарияси)⁷, Ж.Ролз (ижтимоий адолат назарияси)⁸, А.Турен (ижтимоий ва меҳнат фаолияти призма орқали ижтимоий ҳаракатлар таҳлили)⁹ларнинг қарашлари устувор аҳамият касб этган.

Ижтимоий шерикликнинг иқтисодий асослари Ж. Кейнс, Ф. Хайек, Дж.С. Милль, сиёсий жиҳатлари Ж.Коэн, Ф. Шмитгер, ҳуқуқий тамойиллари эса Л.Дюги, М.Ориу ва бошқалар томонидан батафсил ўрганилган.

МДХда ижтимоий шериклик ва уни намоён бўлиш шакллари ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот В.А. Михеева, В.И. Патрушева, С.Г.Айвазова, Г.Л.Кертман, Б.С.Модель, И.М.Модель, Е.М.Осипов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг намоён бўлиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти, миллий қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда А.Саидов, Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, И.Эргашев, Н.Жўраев, А.Р.Раҳманов, З.Исломов, А.Бегматов, М.Қирғизбоев, Б.Туйчиев, Р.Жумаев, Э.Халилов, А.Муминов, Т.Матибаев, Р.Ҳакимов, Г.Д.Қўчқорова, Н.Н.Садиқов, Л.М.Котова, С.М.Адилходжаева, С.И.Воробьев, Т.М.Туребеков, Р.М.Алимов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган¹⁰. Бироқ давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликнинг миллий ментал хусусиятлари асосида ривожланиш, мамлакат ривожланишининг янги босқичида амалга ошаётган сиёсий - ижтимоий ислохотлар асосида такомиллаштириш механизмларини татбиқ этишга қаратилган тадқиқотлар яратилмаган. Мазкур муаммоларни ўрганиш ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

³ Прудон П.Ж., Что такое собственность? или Исследование о принципе права и власти. Пер. с фр. Серия: Размышляя об анархизме №17. Изд.стереотип. КРАСАНД 2017. 280с.

⁴ Конт О. Дух позитивной философии: Слово о положительном мышлении. Пер. с фр. Серия: Из наследия мировой философской мысли: история философии Изд.4 Книжный дом ЛИБРОКОМ 2016. 80с.

⁵ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. М Канон 1996. 432с.

⁶ Вебер Макс. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии в 4 томах. Том 3. Право. Перевод с немецкого под научной редакцией Л.Г.Ионина. Москва Издательский дом Высшей школы экономики. 2018. 336с.

⁷ Парсонс Т. О структуре социального действия. Пер. с англ. Москва Академический проект 2018. 435с.

⁸ Ролз Дж. Теория справедливости. Перевод с англ. М. ЛЕНАНД 2017. 536с

⁹ Турен Ален. Возвращение человека действующего. Очерк социологии. Перевод с французского. М. Научный мир 1998. 204 с.

¹⁰ Юкорида номлари келтирилган барча муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ижтимоий шерикликнинг ижтимоий-сиёсий механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

«Ижтимоий шериклик» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларини сиёсий фанлар нуқтаи назардан очиб бериш;

фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликнинг тарихий ривожланиш босқичлари динамикасини маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиш;

ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикликни ривожлантириш механизмлари ва сиёсий моделларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

ривожланган давлатлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикликни ривожлантиришга доир тажрибаларини таҳлил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ижтимоий шерикликни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий механизмларини ривожлантириш самарадорлигини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида юзага келаётган муносабатларда ижтимоий шерикликка оид қарашлар, ғоялар, тамойиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий асослари ҳамда ташкилий механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, таҳлил ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ҳуқуқий соҳада кенг ишлатиладиган «ижтимоий шериклик» категориясининг таърифи сиёсий тушунчалар киритилиши орқали такомиллаштирилган ва у сиёсий категория ҳам эканлиги асосланган;

мамлакат ривожининг янги босқичида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклик жараёнларининг самарадорлигини оширишда бенчмаркинг, краудфандинг, таймбанкинг, краудсорсинг, аутсорсинг каби замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим омил эканлиги очиб берилган;

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат+сиёсий партия, давлат+ННТ, давлат+жамоат ташкилотлари,

давлат+ўзини ўзи бошқариш органлари каби форматларда ижтимоий шериклик йўлга қўйилганлиги илмий асосланган ҳолда кўрсатиб берилган;

Ўзбекистонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликдан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан (давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш, давлат ва ННТлар ижтимоий ҳамкорлиги мониторингини олиб бориш каби) таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ижтимоий шериклик моделлари (бипартизм, трипартизм, полипартизм) соҳасида халқаро тажрибаларни умумлаштириш ва аниқлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий шериклик амалиётини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилувчи институционал тизимли ривожлантириш йўллари кўрсатиб ўтилган;

тадқиқотдан олинган илмий натижалар сифатида шакллантирилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликни жамият ҳаётига самарали татбиқ қилишнинг замонавий принциплар ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида фаолият юритишлари мақсадида қўлланилиши ишнинг амалий аҳамиятини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро, республика миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосалар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликни такомиллаштириш самарали механизмларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Диссертацияда ўрганилган масалаларнинг ечимларидан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамият барча соҳаларида ижтимоий шерикликни такомиллаштириш борасидаги стратегик ислохотларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулоса ва умумлашмалар, амалий таклиф-тавсиялардан давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек олий ўқув юртларида «Фуқаролик жамияти», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Миллий

ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти», «Меҳнат иқтисодиёти» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамиятни модернизациялаш шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

хуқуқий соҳада кенг ишлатиладиган «ижтимоий шериклик» категориясининг таърифи сиёсий тушунчалар киритилиши орқали такомиллаштирилган ҳамда у сиёсий категория ҳам эканлиги, давлат ва ННТлар ижтимоий ҳамкорлиги мониторингини олиб бориш каби таклиф ва тавсиялардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг 2018 йил 25 июндаги 01-27/642-сонли далолатномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий этилиши давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилган;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда бенчмаркинг, краудфандинг, таймбанкинг, краудсорсинг, аутсорсинг каби замонавий технологиялардан фойдаланиш муҳим омил эканлигига оид ҳамда ижтимоий шериклик жамият асосий гуруҳлари муҳим ижтимоий-сиёсий қизиқишларининг рўёбга чиқарилиши, сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий муносабатлар алоҳида тури эканлигини ретроспектив таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган ривожланиш динамикаси бўйича таклифи Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятига жорий қилинган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 25 майдаги 11/261-сонли далолатномаси). Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликнинг ўзаро алоқаси ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш вазифалари, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга доир илмий таклифлар ижтимоий шериклик самарадорлигини тубдан юксалтириш имконини берган;

мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат+сиёсий партия, давлат+ННТ, давлат+жамоат ташкилотлари, давлат+ўзини ўзи бошқариш органлари каби форматларда ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш лозимлигига доир фикр-мулоҳазалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2018 йил 18 июндаги 04-13/3210-сонли далолатномаси) ҳамда «Етакчи» ёшлар маркази («Етакчи» ёшлар маркази ННТнинг 2018 йил 3 январдаги 01-17/9-сонли далолатномаси) кенг фойдаланган. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий натижаларнинг жорий этилиши давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаларини такомиллаштириш асосида давлат органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликдан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан (давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари аъзолари ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш, давлат ва ННТлар ижтимоий ҳамкорлиги мониторингини олиб бориш каби) таклиф ва тавсиялардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг 2018 йил 25 июндаги 01-27/642-сонли далолатномаси). Тадқиқотда ишлаб чиқилган ижтимоий шериклик моҳиятини англаш ва турли субъектлар ҳокимият тизимлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, жамоатчилик бирлашмалари ва бошқа ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга оид таклифлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамиятдаги эҳтимолли низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 8 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 14 та илмий мақола, жумладан, 10 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ижтимоий шериклик моҳиятини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган. Ушбу бобда ижтимоий шерикликнинг сиёсий мазмуни ва уни ривожлантириш борасидаги илмий-концептуал қарашлар, фуқаролик жамияти ва ижтимоий

шерикликни ривожлантиришдаги тарихий шарт-шароитлар ва ҳал қилувчи сиёсий омиллар ҳамда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик келишув, муросаю-мадора, бағрикенглик, манфаатлар, қадриятлар ва мақсадларнинг ягоналигига асосланади. Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий ва маънавий хусусиятлар асосларининг биргаликдаги таъсири орқали вужудга келиши мумкин. Сиёсатда ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг туб манфаатлари жамланади, тўпланади, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ўз ифодасини топади.

Ижтимоий шериклик тизимлари, сиёсий муносабатлар доирасида келишилган меъёрлар, қоидалар, қарорлар қабул қилиш қоидаларини яратиш орқали уларнинг ўзаро таъсири антагонизм ва душманликдан ҳамкорлик ва келишувга, давлатнинг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлларига ўтишнинг самарали йўли ҳисобланади. Ижтимоий шериклик ижтимоий-сиёсий амалиётдан ажралиб қолган, ўзининг ҳаракатлантирувчи ва назорат қилувчи механизмларининг ночорлигидан ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайдиган ҳодиса эмас. Ижтимоий шерикликнинг жамият ҳаётига кенг татбиқ қилинишидан сиёсий тизим ва сиёсий институтлар манфаатдор. Айниқса, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро шериклиги асосида ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, хусусан, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишда бу сиёсий институт элементи имкониятларидан фойдаланиш, унинг 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари нуқтаи назаридан илмий талқинини бериш ҳамда бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳисобга олиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертант фикрича, ижтимоий шериклик – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва манфаатларни уйғунлаштириш асосида жамиятда мавжуд бўлган муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган мулоқот ҳамда консенсусга келиш тизими.

Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг энг муҳим муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини ифода этишнинг ўзига хос тизими ва иштирокчиларнинг иродасини ўзида мужассам этган энг муҳим демократик бошқарув элементи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ижтимоий шериклик тизимидаги давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва сиёсий қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва низоли вазиятларда ўзаро алоқа қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан ҳам марказий ўрин эгаллайди. Ижтимоий шериклик жамият барқарорлигини белгилайдиган тизим бўлсада, уни бошқа ижтимоий ҳамкорлик йўналишларининг мезонлари билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки,

натижаларига кўра, ижтимоий шериклик қайси соҳа тадқиқот объекти бўлишидан қатъи назар, у сиёсий фаолият маҳсули ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ижтимоий шерикликнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари ямий сиёсий манфаатлари, эҳтиёжларига мос келишига қараб аниқлаш ҳамда туркумлаштириш мумкин. Диссертант фикрига кўра, ижтимоий шерикликнинг ривожланиш динамикасини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нуқтаи назардан қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

Шўролар даврида якка ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура синфийлик ва партиявийлик шиори остида ижтимоий шериклик масаласига эътибор қаратилмаган эди. Ижтимоий шериклик «Давлат ва жамият бошқарувидаги буржуазия сиёсати», «Ёт синфлар мафкуриси» сифатида талқин қилинди. Бунинг сабаби шўролар мафкурасида синфий манфаатлар, ягона партия талаблари умуминсоний ғоялардан устун қўйилганида эди.

Биринчи босқич: 1991-2000 йиллар. Бу даврда илк демократик институтлар шаклланиши бошланган (сиёсий партиялар, ННТ ва ҳ.к.). Маъмурий буйруқбозлик тизими тузилмаси органларининг фаолияти тўхтатилган. Ижтимоий шериклик – турли хил фикрга эга бўлган фуқаролар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги сифатида намоён бўлган.

Иккинчи босқич: 2001-2010 йиллар, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаштириш даври. Ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлилиги, турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор ғояларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳар бир шахс ўзи фуқаролик бурчини ҳис этиши, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик асосида шаклланган. Ижтимоий шериклик фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш омили сифатида намоён бўлган. Кўппартиявийлик тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди, икки палатали парламентга ўтилди. ННТларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Учинчи босқич: 2010-2016 йиллар, мамлакатимизда «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳаётга жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган давр.

Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Давлат бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Ижтимоий шериклик фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш омили сифатида намоён бўлди. Ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат органларининг давлат органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли ҳуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилишига

шарт-шароит яратилди.

Тўртинчи босқич: 2016 йилдан мамлакат ривожининг янги босқичи бошланди. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Халқ қабулхоналари ва вертуал қабулхоналар ташкил этилди. Фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ННТлар сиёсий субъект сифатида янада фаоллашувининг ҳуқуқий, сиёсий асослари яратилди. Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашнинг самарали усулларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу босқичда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги асосида «Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун» деган тамойил ва «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилиши устувор аҳамият касб этмоқда.

Истиқболда эса, фуқаролик жамияти институтларининг фаол субъектга айланиб бориши; бизнес тузилмаларининг ижтимоий лойиҳаларда иштироки кучайиб бориши; қабул қилинаётган бошқарув қарорларида жамоатчилик экспертиза ролининг кучайиши; Парламент назоратининг кучайиши; жамоатчилик Кенгашлари, шунингдек, электрон ҳукуматнинг ижтимоий ҳаётда роли ошиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий шериклик, аввало, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий муаммоларини ечишга йўналтирилган бўлиши лозим, жумладан: миллий демократик мазмундаги сиёсий қадриятлар, инсонларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; фуқароларнинг ўз имкониятларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ижтимоий, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ва катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа муаммоларни ечишга йўналтирилган муҳим давлат сиёсий дастурларининг ижросини таъминлаши лозим. Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий шериклик тамойилларига аниқлик киритиш, хусусан, бу йўналишда давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар сонини кўпайтириш ҳамда уларни давлат томонидан кафолатланиши лозим. Чунки давлат иштироки ва кафолати асосида фуқаролик жамияти институтлари ўзларининг ижтимоий-иқтисодий дастурларини муваффақиятли амалга ошира оладилар. Ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлашда сиёсий партиялар, жамғармаларнинг ўзига хос жиҳатларини тўғри баҳолаш ҳам муҳим масалалар сирасига

киради. ННТларнинг жамоатчилик кенгашлари ваколатларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни янада аниқлаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизимини такомиллаштиришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги» деб номланган бўлиб, унда ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш сиёсати, ҳозирги даврда Шарқ ва Ғарб давлатларининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикликни ривожлантиришга доир сиёсий тажрибасидан фойдаланиш зарурати илмий асосланган.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда ижтимоий шериклик тизимини такомиллаштириш муқаррар равишда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичига мос ижтимоий самарали шериклик тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Жамиятдаги ижтимоий шериклик, бир томондан, унинг яхлитлиги даражасида эришилади, бошқа томондан, жамиятнинг яхлитлигини сақлаб қолиш шарти сифатида намоён бўлади. Жамиятдаги чекланганлик ва тарқоқлик яхлитликка зарар келтириб, ижтимоий шериклик ва келишув даражасининг сусайишига, кескинлик ва можароларнинг кўпайишига олиб келади.

Шунинг учун, ижтимоий шерикликнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро манфаатларини келиштириш усул ва воситалари, айниқса, уларнинг қамровли мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлашдаги ўрни, аҳамиятини аниқлаш, унинг ички ҳаракатлантирувчи механизмаларини тадқиқ қилиш, истиқболларини кўрсатиш амалий жиҳатдан муҳимдир. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда тадқиқотларда ижтимоий шерикликнинг «микдорий» кўрсаткичларини акс эттирувчи ғоят хилма-хил эмпирик, статистик материаллар берилмоқда. Шу материалларни сиёсий жиҳатдан умумлаштириш, уларнинг методологик асосини яратиш, «сифат» хусусиятларини таҳлил қилиш кун тартибида турган долзарб фундаментал назарий муаммодир.

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликнинг сиёсий таҳлилига кўра, аввало, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий шериклик соҳасидаги қонунчилик билан тартибга солиниши, яъни улар қонун ҳужжатларининг «таъсир доираси» билан қопланиши лозим. Шундай қилиб, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари алоҳида ҳолларда ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий муносабатларни белгилаш, ижтимоий-иқтисодий вазибаларини аниқлаш, улар ўртасидаги ижтимоий шериклик шакллари аналга оширилиши механизмларини тобора такомиллаштириб бориш фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик таъсирини кучайтиришнинг

муҳим шартни ҳисобланади. Бу эса, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари фуқароларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувида иштирок этишини кафолатловчи ишончли воситалардандир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг муҳимлиги қатор халқаро ҳужжатларда кўзда тутилган. Улар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ролига алоҳида аҳамият қаратади, мулоқот ва маслаҳатлашув орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни ҳамда муайян давлат кўмаги шакллари тақдим этиш механизмларини жорий этишни ҳам назарда тутаяди. Жумладан, бу каби ҳужжатлар қаторига БМТнинг 1968-йилдаги «Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси», «Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича оқ китоб» (2001 йил 25 июль), «Европада ноҳукумат ташкилотлар мавқеининг асосий принциплари» (2003 йил 16 апрель) кабиларни киритиш мумкин¹¹.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган ижтимоий-сиёсий муаммоларни ижтимоий шериклик механизмидан фойдаланиб, ҳал этиш борасида мақсадли илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, ижтимоий шериклик муносабатларининг жамиятдаги сиёсий жараёнларга таъсирини ошириш, бунда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, давлат ва нодавлат ношижорат ташкилотларининг сиёсий жараёнлардаги ролини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларида (иқтисод, сиёсат, таълим, ижтимоий таъминот, маданият ва ҳ.к.) ижтимоий шериклик муносабатларининг самарали механизмини ишлаб чиқиш, уни ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этишнинг мақбул йўллари ва усуллари излаб топиш масалалари тадқиқ этилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик муносабатлари давлатнинг фаол иштирокида вужудга келадиган ижтимоий меҳнат соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар орқали ҳам намоён бўлади. А.Х.Саидов фикрича, «Ижтимоий шериклик» атамаси халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Иқтисодиёт соҳасида ижтимоий шериклик дейилганда, жамият асосий қатлам ва гуруҳларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий манфаатлари уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш мақсадини кўзлаган ижтимоий муносабатларининг алоҳида бир тури ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланишининг қонуний натижаси англашилади»¹². Шу билан бир қаторда, Европанинг қатор давлатларида ижтимоий жавобгарлик моделлари, турли ижтимоий стандартлар ишлаб чиқилган. Япония ва Корея

¹¹Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам // Ўзб. нашр. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б.520.

¹²Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба // тузувчилар: Н. Боржели [ва бошқ.]; таржимонлар: Э.М. Эрназаров, О.О. Оқюлов; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Тошкент: ART FLEX, 2012. – Б.16.

Республикасида давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида дастур ва грантлар эълон қилиш орқали турли ижтимоий муаммолар ҳал этилмоқда. Австрияда ижтимоий шериклик маслаҳат кенгашлари ва кўмиталарининг филиаллари, умуммиллий ва тармоқлар бўйича тенглик асосидаги комиссиялар орқали амалга оширилади¹³. Уч томонлама келишув модели Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Конвенциясида 144-рақам билан белгилаб қўйилган¹⁴.

Диссертант фикрича, фуқаролик жамияти институтларига тегишли бўлган функцияларнинг кўпчилигини давлат ўз тасарруфида сақлаб қолган ҳолда, ижтимоий шериклик тизими кам амалий натижа беришини, унинг механизмларининг суист фаолиятини кўрсатади. Жаҳон тажрибасига кўра, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик иккала томон бир-бирининг олдидаги мажбуриятларни аниқ бажарган ҳолда ўзининг асосли эканлигини исботлаб беради. Агар томонлардан биронтаси ўзаро алоқаларга, шерикликка тайёрликни намоёиш этмаса, тажрибалардан келиб чиқадики, ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Хуллас: давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни тадқиқ қилишга қаратилган сиёсий ёндашув уни яхлит ҳодиса сифатида ўрганишни, унинг вужудга келиши ва ривожини белгиловчи тузилмалар унсурлар ҳамда омилларни ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилишни тақозо этади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум бўладики, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик консенсус асосида амалга оширилади. Ўзаро ҳамкорлик даражаси қанчалик юқори бўлса, сиёсий консенсус даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни асослаш турли сиёсий субъектларнинг эътиқодлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, мақсадлари мос келишининг юқори даражаси билан хусусиятлидир, бу уларнинг умумий фаровонликни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишга тайёрлигида ифодаланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдаги ижтимоий шериклик сиёсати: муаммо ва ечимлар**» деб номланган. Унда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик моделининг намоён бўлиш хусусиятлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ижтимоий шерикликни шакллантириш механизмлари мазмуни ва стратегик йўналишларини аниқлашга доир муҳим шарт-шароитлар, давлат ва жамиятимиз ҳаётида ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмлари таҳлил қилинган ҳамда бу жараёнда жамоатчилик назоратининг ўрни ва роли кўрсатилган.

Ўзбекистонда белгилаб олинган босқичма-босқич, тадрижий равишда

¹³ Модель И.М., Модель Б.С. Власть и гражданское общество в России: от социального взаимодействия к социальному партнерству. – Екатеринбург: Уро РАН, 1998. -240 с.

¹⁴ <http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/>

демократик ҳукуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш стратегияси ўзбек халқининг тарихан шаклланган миллий хусусиятлари ҳамда илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, мамлакат барқарор тараққиётининг кафолати саналади. Бугунги кунда халқимиз ҳукуқий демократик давлат, унинг негизида эса фуқаролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсад билан яшамокда. Бу борада мустақилликка эришилганидан кейинги ўтган йиллар давомида улкан ишлар амалга оширилди, миллий давлатчилик анъаналари тикланди, янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ҳамда давр талабларига жавоб бераоладиган сиёсий ва ҳукуқий тизимнинг шаклланиши, мустақил тараққиётимизнинг ҳал қилувчи асосига айланди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий шерикликнинг халқаро андозалари ва хориж тажрибаси ҳамда унинг мамлакатимизга хос хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий шериклик тизимини ривожлантириш сиёсатини мустаҳкамлашда қуйидаги муаммоларни¹⁵ ҳал этиш устувор аҳамият касб этади:

биринчидан, ижтимоий шерикликни самарали жорий қилиш асосида давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш учун сиёсатшунослик, социология, иқтисодий фанлар соҳасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдон яратиш;

иккинчидан, ижтимоий шерикликни самарали жорий қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасини юқорига олиб чиқиш, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олиш;

учинчидан, ижтимоий шериклик тизимини давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлантириш;

тўртинчидан, мамлакатни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўз ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

